

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 21 сентябрь, № 188 (4341) • Жума

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 20 сентябрь куни Оқсаройда Тожикистон Республикаси, Италия Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги янги фавақулда ва мухтор элчилари — Бобохон Махмадов, Жованни Риччулли ва Ричард Норланд ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, дипломатларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошланган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари дўстлик ва яхши кўнаниш асосида ривожланишда. Мамлакатларимиз раҳбарлари икки томонлама ташрифлар, ШХТ, ЕрАзЭС, МДХ каби халқаро ташкилотларнинг саммитлари доирасида мунтазам учрашиб, ўзаро ҳамкорликка, минтақавий интеграция ва хавфсизликка оид масалалар юзасидан фикр алмашиб турадилар.

Икки томонлама муносабатларга доир 150 дан зиёд ҳужжат қабул қилинган. Улар орасида 2000 йили имзоланган Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик ана шу ҳужжат руҳида ривожланишда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Тожикистон қўшма комиссияси тузилган. 2006 йилда Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 19,8 фоиз ўсди.

Халқларимиз ўртасидаги алоқалар тарихи минг йилларга бориб тақалади, — деди Тожикистон элчиси Б. Махмадов. — Ўзбекистон бизнинг асосий савдо шеригимиздир. Мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни хар томонлама кучайтиришни ўш миссиямиз давридаги асосий вазифам, деб ҳисоблайман.

Италия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ҳамкорларидан. Президент Ислам Каримовнинг 1996 йилда Италияга расмий ташрифи олий даражадаги икки томонлама сиёсий мулоқотларни бошлаб берди. Ушбу ташриф асосида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. 1997 йили Тошкентда, 2000 йили Римда Ўзбекистон — Италия саммитлари бўлиб ўтди. Парламентлар, турли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ташрифлари уюштирилди.

Икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик савдо алоқаларида ташқир турли форумларни ҳам қамраб олган. Тошкентда ташкил қилинган

Италия технологиялари ҳафталиги, Рим ва Миланда ўтказилган Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг тақдироти шулар жумласидандир. Савдо-иқтисодий алоқаларни, саноат ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида Савдо-иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда экспорт кредитлари масалалари бўйича ишчи гуруҳи тузилган. Мамлакатимизда Италия билан ҳамкорликда тузилган 49 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда, Италиянинг 7 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Гуманитар соҳада икки мамлакатнинг олий ўқув юрталари, илмий тадқиқот муассасалари ўртасида изчил алоқалар йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик ва италиялик олимлар, тадқиқотчилар Кўёш физикаси соҳасида археологик қазималарга бўлган қўлаб йўналишда изланишлар олиб бормоқда. — Ўзаро муносабатларимиз ривожланиш йўлидан бормоқда, — деди Италия элчиси Ж. Риччулли. — Яқинда Италияда Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд ва биз алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдоримиз. Мана шу мақсад йўлида хизмат қилишни ўзим учун шараф, деб биланман.

Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари кенг қамровли бўлиб, қўлаб соҳаларни ўз ичига олади. Мамлакатларимизнинг хавфсизлики мустақамлаш ва трансмилий таҳдидларни бартараф этиш борасидаги ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда.

Иқтисодий алоқалар бора-бора АҚШ Ўзбекистоннинг йирик савдо шериклари сафидан жой олганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистондаги саноат билан боғлиқ йиғирмадан зиёд лойиҳага АҚШнинг 1,4 миллиард долларлик сармояси жалб этилган.

Элчи Р. Норланд Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини хар томонлама ривожлантириш ва мустақамлаш йўлида кўн-гайратини аямаслигини, Ўзбекистондаги фаолият довомида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, халқаро хавфсизликни мустақамлаш, интеграция масалаларига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

(ЎЗА).



Юртбошимиз Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ахлоқ-одоб илмининг бор назокатини ўзида тўлиқ мужассам этган аёлларни алоҳида улуғлаб, таърифлаган чоғда, биринчи навбатда, эркалар ўринларидан гуррос кўтарилганларича жўшқинланиб қарсақ уришга тушдилар. Бу уларнинг хонадон



Ифтихор
обрўсини шахсий орзу-ҳавасларидан ҳам юқори кўйиб яшашни фарз деб билувчи мўътабар оналари, шу муқаддас анъананинг содиқ давомчиларига айланмиш оқила-сингиллари, бекалари, қизалоқларига бўлган юксақдан-юксақ эҳтиромларининг ёрқин белгиси эди.

(Давоми 4-бетда).

АТЛАС ҚИЙИҚЛИ МАРФИЛОН

Уларнинг шаънига айтилган илик сўзлардан янада баҳри очилиб кетган марғилонлик қиз-жувонлар томошанин бошидан охиригача бири кўйиб, бири рақсга тушиши, маросим меҳмонларини ибтило манзират билан дарага тортиқлашлари байрамга мисл-

сиз шукўх бахш этиб, уларнинг қувончи нафақат шаҳарнинг 195 минг аҳолисига, балки бутун бошли Ўзбекистон халқига юқди ўша кеча.

Марғилон аёлларининг шаҳар тарихи ва ундаги бири-бирдан чиройли урф-одатларининг шаклланишида туг-

ган ўрни ҳақиқатан ҳам беқис. Қодирий домланин «Уткан қулар»ни деярли ёд олиб улғайган авлод вақилари марғилонлик аёллар чекрасидан Кумушбининг тимсолини қўдира бошлашади. Аслида, бу гўзал маданиятнинг томири жуда чуқур. Қадимий

марғифатнинг энг яхши кирраларини ўзида мужассамлаб, шоира Жаҳон отин Увайсий Марғилонда ташкил этган «Қирқ қизлар» мактаби оддий хунармандларнинг қизларига фақат ўқиш-ёзишни ўргатибгина қолмай, аёлларга хос шарму ҳаё, муомала, кийи-

ниш, меҳмон қутishi, дастурхон безаш маданияти борасида ҳам пухта сабоқ бериши билан тилга тушган тарихдан яхши маълум.

ЁШ ОИЛАЛАР МАМНУН

Мамлакатимизда ёшларни, жумладан, ёш оилаларни хар томонлама қўлаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўлаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга уй-жай қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун 15 йил муддатга имтиёзли ипотека кредитлари, уй хўжалигини йўлга қўйиш, мебель ва бошқа узоқ фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш учун истеъмол кредитлари берилмоқда.

«Ипотекабанк»нинг Тошкент филиали филиалдан ана шундай кредит олган чирчиқлик Баҳодир Жовлиев оиласи икки хонали уйга кўчиб ўтди.

— Тегишли хўжатларни банкка топширгач, кўп

«Микрокредитбанк»нинг вилот филиалига муурожаат қилиб, уч йил муддатга 13 фоизли имтиёзли кредит олдик, — дейди Тошкент туманида яшовчи Маъмура Аҳмедова. — Унга оиламиз учун ошхона ва ётоқхона жамланмаси, кондиционер синагари зарур буюмлар харид қилдик. Бу бутун оиламизга қувонч бағишлади.

Таъкидлаш жоиз, вилотда аҳолига, жумладан, ёш оилаларга истеъмол ва ипотека кредитлари ажратилиш тартиби юзасидан тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Бундан ташқари, банкларнинг ишонч телефонлари орқали кредит масаласи бўйича барча саволларга батафсил жавоб топиш мумкин.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

ФЕРМЕРЛАРГА ИМТИЁЗ

Косонсой туманидаги «Абдувоҳит ҳосилот», «Чашмаи сафед», «Чиндовул ўғлонлари» фермер хўжалиқлари ерга ишлов бериш, шудорлаш каби юмушларни энди ўзларининг янги техникалари билан бажарадиган бўдилар. Уларнинг хар бирида замонавий «МХМ-140» тракторлари

бор. «Ўзқилиққўжалиқмашлизинг» компаниясининг вилот филиали қишлоқ мулкдорларига лизинг асосида янги техника олиб берди. Имтиёзли асосда ташкил этилаётган лизинг хизмати барча ер эгаларига маъқул. Жумладан, жерий йилнинг ўтган ойларида туман фермерлари 25

Хушхабар

Шофиркон туманининг Чандир қишлоғида бўлиб ўтган саноат ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи биноси туман кўрғога кўрк қўлди.

Чандирда янги коллеж

540 ўқувчи ўрнига эга янги коллежда қишлоқ ёшлари тўққиз йўналиш бўйича таълим оладилар. Бу ерда уларнинг ўқишлари, хунар ағаллашлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. 1,7 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ хисобига қад ростлаган ушбу маскан Бухоро вилотида фаолият кўрсатаётган касб-хунар коллежларининг энг еттикинчидир.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Лизинг

«ТТЗ-100», 10 та «ОВХ» пуркағичи, 8 та сеялка, 15 та культиватор, жами 78 та техника воситаларини шу йўл билан сотиб олишди.

Вилот бўйича лизинг асосида келтирилган қишлоқ хўжалиқ машиналари сони эса 270 тани ташкил этди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

УШОФИ ҲАМ УВОЛ БЎЛМАСИН

Ошхонага уч киши кириб келди. Улар стол атрофидан жой ағаллаши билан официант икита нон келтириб қўйди. — Битта нон етди, — деди хўрандалардан бири. — Ха, дастурхоннинг зийнати-да, жуфт турсин, — деди официант мулозамат билан.

Хўрандалар овқатланиб, туриб кетишди. Столдаги иккинчи нондан бир бўлак синдирилган, у ҳам бўлак ейилмасдан қолиб кетган эди. Ошхона хизматчиси столни тозалашти, нонни ҳам овқат қолдиқларига қўшиб, бурчақда турган төмир қутига ағдарди. — Чақки қилдингиз, нон увол бўлди, — дедим ачиниб. — Увол бўлмайди, хўжайиннинг новвослари бор, шунинг еб семиради-да, — деди у билангиллик қилиб. — Эртага шу ошхонага гўшт бўлиб қайтиб келади.

Нон ҳақида сўз

Бу манзарани кузата туриб, ўтган асрнинг 60-йилларидаги воқеалар кўз олдимдан ўтди. Ушунда жамоа хўжалиғида ишлардим. Меҳнат тақсимоти бўйича хўжалиқнинг ҳамма ерига пахта экилар, ун эса қарларданқилиб олиб келинар эди. Бирдангил ун танқис бўлиб қолди. Ҳеч қимда бугдой йўқ. Шаҳарларда нонга кун бўйи навбатта туришлар бошланди. Қишлоқдаги тандирларда нон ёпилмай қўйди. Дўконлар бўм-бўш. Хўжалиқда ишлайдиганларга бир ойда беш килограмм бугдой, беш килограмм хўжори уни бериларди. Хар бир оилда хўжайиндай жон. Бу ун нима бўлади?! Зор-зор нон ҳам хаммага етмаган. Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги очарчиликлар ҳақида эшитган эдик-ку, лекин нонсиз кун ўтмаслигини

ўшунда билганмиз. Ноннинг қадри ҳақида гап кетганда, мен ҳаммаша ўша кунларни эсга оламан, болаларимга айтиб бераман. Мустабид тузумнинг охириги йилларида нон дўконларида узундан-узук чўзилиб, навбатда турганларимиз-чи?

Наҳотки, хотирамиз шунчалик сийқалашиб қолган бўлса?! Балки тўқликка шўхлик қилаётгандирми?

Тўғри, бугун Ўзбекистонимизнинг ўз бугдойи бор. Бу йил ҳам омирларимиз сара донга тўлди. Биргина Қашқадарё вилотида бу йил 700 минг тоннадан ортиқ галла етиштирилди. Шундан 375 минг тоннаси тайёрлов идоралари билан тузилган шартнома бўйича топширилган бўлса, қолгани деҳқоннинг омирорига кирди.

(Давоми 2-бетда).

чет эллик инвесторнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобидан хусусийлаштирилаётган корхоналар учун;

Йиғирма олтинчи хатбошиси йиғирма бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Янги технологик жиҳозлар (бутовчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар улар технологик жиҳозларни етказиб бериш шартлари мувофиқ етказиб берилган бўлса) олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил мобайнида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, ушбу модда биринчи қисмининг ўн тўққизинчи — йиғирма тўртинчи хатбошиларидан назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиши имтиёз қўланилган бутун давр учун божхона божини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади»;

иккинчи — тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи — бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлға киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 19 сентябрь № УРҚ — 112

8

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2007 йил

9

тўққизинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«мол-мулкни сугурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли сугурта қилиш бўйича сугурта муқофотлари суммалари»;

ўн тўққизинчи хатбошиси йиғирманчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3) 32-модда:

биринчи қисми:

учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«асосий ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган маблағлар суммалари, ҳисобот даврида амортизацияга ҳисобланган суммалардан тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданин) ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари қурилишига йўналтирилган маблағлар суммалари, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданин) ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда»;

тўртинчи хатбошиси бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юридик шахслар солиқ солинадиган даромадини

10

(фойдани) ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳоздан қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга ва лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтириладиган маблағлар суммалари, ҳисобот даврида ҳисобланган амортизация маблағларидан тўлиқ фойдаланиш шарти билан уч йил мобайнида қайтарилиш ҳуқуқига эга. Мазкур солиқ имтиёзи янги технологик жиҳозлар ишга туширилган пайтдан эътиборан навбатдаги солиқ ҳисоботи даври учун қўлланади. Янги технологик жиҳозлар олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил мобайнида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўланилган бутун давр учун даромад (фойда) солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) 58-модда қуйидаги мазмундаги «ю» ва «я» бандлар билан тўлдирилсин:

«ю) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулкни сугурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли сугурта қилиш бўйича ўз ҳодимлари учун сугурта муқофотлари тўловига тўланган суммалари;

я) фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг мол-мулкни сугурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли сугурта қилиш бўйича сугурта муқофотлари тўлови учун йўналтириладиган суммалари»;

5) 71-модда **иккинчи қисмининг 6-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича қуйидаги мақсадларда олиб кириладиган технологик жиҳозлар, шунингдек бутовчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик жиҳоз-

11

МАМЛАКАТ бўйлаб

Меҳрибонлик уйларига — автобус

«Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурида Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларни автобус билан таъминлаш кўзда тутилган эди.

Бу хайрли ишни амалга ошириш учун Қашқадарё вилоятига 7 та автобус олиб келинди. Ўзбекистон ва Япония автомобилсозларининг ҳамкорлиги туфайли Самарқандда ишлаб чиқарилган бу иккита автобуслар Қарши, Қашқадарё ва Каттақўрғон туманларидаги Меҳрибонлик уйлари ҳамда вилоятдаги туртта имконияти чекланган болалар мактаб-интернатларига топширилди.

Янги транспорт воситалари халқ таълими тизимидаги бу болалар муассасаларида тарбияланган ёшларнинг саёхатларини ташкил этиш, жойларда ўқитиладиган тадбирлардаги иштирокини йўлга қўйиш учун хизмат қилади.

Н. БҮРИЕВ.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Самарқанддаги «Президент Отел» меҳмонхонасида «Жигар, ошқозониёни беэзи соҳаси хавфли ўсгалари эпидемиологияси, ташхиси ва даволаш усуллари» мавзусида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Маълумки, кейинги йилларда жахонда саратон касаллиги билан хасталанганлар сони ошди. Уларга тўғри ташхис қўйиш, даволаш ишларини олиб боришда эса муаммолар кўп. Шу боис ҳам дунё онкологлари ҳамкорликда ушбу касалликнинг олдини олиш йўллари излашмоқда, фикр ва тажриба алмашмоқдалар. Бу борада Ўзбекистонда ҳам муайян ишлар қилинмоқда.

Мен Ўзбекистонлик шифокорларнинг саратон касаллигини даволаш усуллари билан қизиқиб қолдим, — дейди Туркиянинг Улугдаг университети тиббиёт мактаби биохимия бўлими бошлиғи, профессор Энциан Улуқайя. — Мамлакатимиздаги тажрибали мутахассислар томонидан амалга оширилган жарроҳлик ишлари тахсинга лойиқ. Туркияда ҳам қимбатроғи йўли билан ўсгаларни даволаш кенг қўлланилатгани яхши самара бермоқда.

А. САТТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мижозлар сони ярим миллионга етди

Мамлакатимизда «Билайн» савдо маркази билан уяли алоқа хизмати кўрсатаётган «Юнител» масъулияти чекланган жамиятининг миждозлари сони Фарғона водийсида 500 минг нафарга етди.

Бир йил аввал «Билайн»нинг дилерлик шохбчалари эллик атрофда эди. Ҳозирга келиб уларнинг сони 650 тадан ортиб кетди. База станцияларининг сони эса 133 тадан 247 тага қўндайди.

Ш. ОДИЛЖОНОВ.

Аълочилар тақдирланди

Янги ўқув йилида «Фидокорлар» миллий демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши яхши бир ташаббус бошлди.

Эндиликда Гулистон шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг турт нафар ўқувчиси «Фидокор» стипендиясини олаётган бўлди.

Ешларга эътибор келажакка эътибордир. Мукофот, асосан, намунали хулққа эга ва аъло баҳоларга қўйиладиган йиллик кўрсаткич берилди, — дейди «Фидокорлар» миллий демократик партияси вилоят кенгаши икромия девони раҳбари Солижон Позилов. — Келгуси йилдан махсус стипендия олувчилар сони ва стипендия миқдори ҳам икки қарра оширилади.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Оҳангаронликлар қувончи

Оҳангарон шаҳри ва тумани аҳли Мустақиллигимизнинг 16 йиллик айёмини қўшақ шодийна сифатида кутиб олди.

Боиси — байрам тантаналари давом этаётган кунларда бу ерда 650 миллион сўмлик маблаг эвазига замонавий услубда қуриб битказилган 40 ўринли туғуруқхона фойдаланишга топширилди. У маҳаллий ҳокимият идоралари ва бир йилча муқаддам Россиядаги «Евроцемент

групп» холдинг компанияси таркибига кирган «Оҳангаронцемент» ошқ акциядорлик жамияти саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилди. Туғуруқхонанинг шимна муолажа ва таъмир ишлари зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

А. ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

УШОҒИ ҲАМ УВОЛ БЎЛМАСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Истиқлолнинг дастлабки йилларида галла мустақиллиги учун кураш бошланди. Ҳа, чинакам кураш бўлди. Бир умр пахта экиб, пахтадан келадиган даромадга кўз тикиб, пахтага суюниб қолган деҳқоннинг онгини, руҳиятини ўзгартириш керак эди. Ўзбекининг боқиманда эмаслигига, ўз юртида бек бўлиш учун ўзининг бугудойи, нони бўлиши кераклигига, энг аввало, ўзини ишонтириши лозим эди. Пахтакорни галлакорга, пахта устасини галла устасига айланти-


риш, галлачилик маданиятини яратиб осон кечмади. Бугун ўзбек деҳқони пахтани қандай яшнатса, галлани ҳам шундай яшнатмоқда. Лекин ҳар бир бошоқ бодобдеҳқоннинг пешона терси, қалб кўри эвазига бунёд бўлаётди. — Деҳқон кўзда ерга сочган ҳар дон бугудойи эвазига камида 20 дон дон олиши керак, — дейди чирокчилик фермер Урол Арабов. — Бунинг ўзи бўлмайди. Вақтида ўғити, суви берилмаса, ҳосилини бой бериб қўйиш ҳеч гап эмас. Ҳар бир туп қўчани галлакор меҳр билан парварши-

лайди. Ҳар бир бошоққа 8-9 ой кўз тикиди. Мен бунинг ўзим галлачилик билан шуғулланганимдан кейин билдим. Ҳозир омборим тўла дон. Лекин бир дон дон ерда ётганини кўрсам, албатта, оламан, ноннинг ушогини ҳам исроф қилмайман, кўзимга суртиб тавоф этаман. Бу ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил кўтарган, галлани ўзининг шахсий қолбонинда ўриб-янчиб олган фермернинг гапи. У ўз қўли билан етиштирилган бугудойдан ёпилган ноннинг мазасини ҳам, қаддини ҳам яхши билади.

Бугунги кунда миллионлаб генофондини яхшилаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда ҳам нондан фойдаланилаётгани бежиз эмас. Унни бойитиш давлат дастуридан қўзланган асосий мақсад ҳам ҳар кун истеъмол қилинадиган нон орқали ҳомилдор аёллар ва ёш гўдаклар организмни энг зарур микроэлементлар билан таъминлаш, соғлом авлод дунёга келтиришидир. Мамлакатимизда йиллик ушогини қайтариш қорхоналари бу ишга киришди. Шу жумладан, Қаршидаги

«Дунё-М» ОХЖда тайёрланган бойитилган ун ҳам талаб катта. Демак, нон фақат дастурхон беэзи бўлиб қолмасдан, миллионлаб дардига дармон ҳам бўлмоқда. Шундай азиз неъматни кўзга тўтиё қилиш ўрнига исроф этиш, молга бериш, ахлат қутисига ташлаб юбориш инсофданми? Бу, ахир, бизнинг ўзбекона маданиятимизга, маънавиятимизга мулқоқ зид-ку?

Халқимизда «нонқўрлик» деган сўз бор. Бу сўз яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтарган, иймонсиз, эътиқодсиз



одамларга нисбатан ишлатилади. Улар учун бундан кўра ёмонроқ баҳо йўқ. Нонни хор қилиш нонқўрликнинг ўзгинасидир. Нон — ризқ-рўзимиз тимсоли. Уни эъзозлаш эса ҳар биримизнинг бурчимиз.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СЕВИМЛИ МАСКАН



Қарши шаҳрида «Вилоят ёшлар маркази» иш бошлади. Замонавий меъморчилик санъатининг сўғити ютқулар асосида қад ростирилган муқашам бино шаҳар марказига узукка кўз қўйгандек ярашди. Бутун харажати саховатли хомийлар ўз зиммаларига олишди. Барча хоналар давр талабларига мос ҳолда замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, янги бинодан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятига қўмақлашувчи, унинг дастурий максатларини рўйбага чиқаришга хизмат қилувчи кўплаб мустақил ташкилотлар ҳам жой олди. Президент асарларини ўрганиш ахборот-ресурс маркази, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлими, Инновациялар ва илмий-техникавий инноватив маркази шулар жумласидандир.

Ж. НОРҚОБИЛОВ, Муаллиф олган сурат.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари-га навбатдаги қақирув тўғрисида»ги қарори асосида ёшларни армияга қақиривга тайёрларлик ишлари бошлаб юборилган. Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида бўлганимизда, қузғи қақирув билан боғлиқ ишлар қизгин давом этаётганининг гувоҳи бўлдим.

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

— Шунингдек, таъкидлашнинг ҳарбий хизматга боришни истовчи ёшлар сони ортаётганини қувончларидир. Ҳукуматимиз томонидан ҳарбий хизматчиларни иктомий муофоза қилишга эътибор қўйилган. Ҳусусан, ўз конституциявий бурчини аъло даражада ўтаган йилгитларимизга бир қанча имтиёзлар белгиланган. Хизмат жараёнида тенгдошларига намуна кўрсатганларга олий ўқув юртига кириш учун тавсияномалар берилмоқда.

Чакирув пунктлари ҳам мавсумга лари давом этмоқда. Бу эса миллий армиямизга соғлом ва жисмоний жиҳатдан бақувват ёшларни таллаб олиш имконини беради.

Синовлар давомида муддатли ҳарбий хизматга боришни истовчи ёшларнинг жисмоний тайёрлиги, маълумоти, салохияти жиҳиди ўрганиб чиқилмоқда. Улар ҳар бир кўрсаткич бўйича баҳоланади. Юқори балл тўплаганлар муддатли ҳарбий хизматга қақиривладилар, қолганлар эса сафарбарлик қақирув резерви хизматига олинади.

Бурч

Чакирув пунктлари ҳам мавсумга лари давом этмоқда. Бу эса миллий армиямизга соғлом ва жисмоний жиҳатдан бақувват ёшларни таллаб олиш имконини беради.

Синовлар давомида муддатли ҳарбий хизматга боришни истовчи ёшларнинг жисмоний тайёрлиги, маълумоти, салохияти жиҳиди ўрганиб чиқилмоқда. Улар ҳар бир кўрсаткич бўйича баҳоланади. Юқори балл тўплаганлар муддатли ҳарбий хизматга қақиривладилар, қолганлар эса сафарбарлик қақирув резерви хизматига олинади.

«Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар қўшмағари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, ички ишлар бўлимлари бошқармаларининг ўринбосарларидан иборат қақирув комиссиялари тўзилади.

Миллий армиямиз сафида хизмат қилиш ҳар бир йилгитнинг шарафли бурчидир. Мухими, ёшларимиз бугунги кунда ана шу бурч ва масъулиятга муносиб бўлишга интиломоқдалар. Бунинг Қуролли Қучларимиз сафарлардан жой олишга ҳаракат қилаётган ёшлар сони йилдан-йилга ошиб бораётганидан ҳам аёнлаш мумкин.

Юнус БҮРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

«Ўзингни эҳтиёт қил, қўшинингни ўғри тутма», дейди халқимиз. Дарҳақиқат, эҳтиёткорлик, огоҳлик, хавфсизлик ҳар жойда, ҳамма вақт зарур. Бироқ бу борада бугунги фан-техника ривожланган замонда қандай йўл тутган маъқул?

«Ўзаспомарказ» мажмуига ташриф буюрган киши бу каби саволларга нафақат жавоб топади, балки энг сўғити хавфсизлик воситалари билан яқиндан танишади, хоҳлаганлар ўзига маъқул ускунани харид қилиши ҳам мумкин. Гап шундаки, бу ерда «Ҳимоя, хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги» — CAIPS 2007 2-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси ўтмоқда.

Уч кунлик ушбу нуфузли кўргазмада мамлакатимиз хавфсизлик санъатчилари махсулотларидан ташқари, Хитой, Россия, Япония каби бир қатор ҳориқ давлатларнинг илгор компанияларида ишлаб чиқарилган замонавий ишланмалар ҳам жой олган. Қўриқлаш, ҳимоя ва хавфсизлик тармоғида қўлланиладиган ускуналар, шахсий ҳимоя воситалари, шунингдек, телекоммуникация хавфсизлигида фойдаланиладиган алоқа воситалари ва бошқа кўп таъхикалар соҳа мутахассислари қатори кўргазма иштирокчиларини ҳам қизиқтирмоқда. Айниқса, «Ourlish technology» ком-

паниясининг «кун-тун» тоифасидаги «Fujion» объективлари ва «Стрелец» дея номланган ёнғиндан огоҳ этувчи симсиз восита ҳамма-нинг эътиборини жалб қилапти. Чунки «Fujion» ўзининг қулайлиги ва сифатли тасвирлари билан ақралиб турса, «Стрелец» радиотизимини ўрнатиш ҳамда дастурлаш осон.

Кўргазма

Павильоннинг Швейцариянинг «Assorty components» фирмаси махсулотларига ахратилган бурчани ҳам одамлар билан гавжум. Сабаби, катталлиги уяли телефон аппаратидек келадиган хавфсизлик ускунаси кўргазма қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Бунинг илк бор Тошкентда намойиш этаёلمиз, — дейди компания мутахассиси Игорь Савелёв. — GSM тизимида ишлайдиган ушбу янги ускунанинг қулайлиги шундаки, уяли ўрнатилган иккита товуш илғовчи датчик туғайли объектни дунёнинг исталган жойидан назорат қилиш мумкин.

Халқаро кўргазмага келганлар ўзларига манкур тижикаларни таллаб олишлари учун тақриф қилишга фирма ва компаниялар ҳам, уларнинг махсулотлари ҳам қўп.

Садик РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«РУСЛАН АКАМДЕК ЧЕМПИОН БЎЛАМАН!»



Шу кунларда боксинг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда вилоятларда ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирларда иштирок этмоқда.

Янгида Форум жамғармаси ва Руслан Чагаев ҳамкорлигида таъсис этилган спорт грантлари дастурининг навбатдаги қилиблар Самарқанд, Бухоро, Андижон, Қарши, Чирчиқ шаҳарларида тақдирланди. Тақдир боҳонасида ёш спортчилар жаҳон чемпиони қўлидан нафақат мукофот қабул қилишди, балки у билан суҳбатлашиб, боксинг сир-асрорларидан боҳабар бўлдилар.

— Жойлардаги урғашувларни қўриб шунга амин бўлаймики, мамлакатимиз ёшлари нафақат спортда, балки барча соҳаларда фасл. Насиб этса, Ўзбекистондан хали кўп таъхикалар етишиб чиқади! — дейди Руслан.

Грант эгалларини аниқлашда ёшларнинг мамлакатимиз ва халқаро майдонлардаги муваффақияти асосий мезон

қилиб олинди. Улар орасида спортнинг ёнғил ва оғир атлетика, бадий гимнастика, қарақз, дзю-до, самбо, кураш, бокс, шашка, шахмат, сузич, баскетбол, акробатика, армрестлинг турлари бўйича танкичи спортчилар бор.

— Мустақиллик тенгдошиман, — дейди Узини Манзура Мамаосидиева деб таништирган грант соҳиббаси. — Утган йили оғир атлетика бўйича Осиё биринчилигида 2-ўринни олдим.

Андижонлик Шохруҳбек Юнусов ҳам грант соҳибларидан бири. У яқинда 17 ёшга тўлди. Шохруҳбек 2006 йилда сузич бўйича Германияда ўтказилган халқаро мусобақада 2 та олтин медални қўлга киритди.

— Бу грантни чемпион қўлидан олиш ҳам завқли, ҳам масъулияти, — дейди Шохруҳбек. — Яқин йиллар ичиде мен ҳам Руслан акамдек юртимиз дунёга ёйишни мақсад қилганман.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ларни етказиб бериш шартларида назарда тутилган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси номидан ёки унинг қафолати остида жалб этиладиган чет эл кредитлари ҳисобидан молиялаштирилмаган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун;

чет эл инвестициялари иштирокидаги қорхоналарнинг устав капиталига чет эллик инвесторлар томонидан улуш сифатида;

янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, шунингдек ишлаб турган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун;

лизингга топшириш учун;

чет эллик инвесторнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобидан хусусийлаштирилмаган қорхоналар учун.

Янги технологик жиҳозлар (бутовчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар улар технологик жиҳозларни етказиб бериш шартларида мувофиқ етказиб бериладиган бўлса) олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил мобайнида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади»;

6) 92-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 1416-моддалар; 2006 йил, № 6, 259, 260-моддалар, № 10, 536-модда, № 12, 660-модда; 2007 йил, № 1, 1-модда, № 7, 322, 325-моддалар) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 8-модда: **иккинчи қисмидаги** «тўққизинчи» деган сўз «унинчи» деган сўз билан алмаштирилсин; қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ солишини соддалаштирилган тартибини қўлло-чи ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик қорхоналари ягона солиқ тўлаш бўйича солиқ қўлинадиган базани олинган янги технологик жиҳозлар қийматида тенг миқдорда, бироқ солиқ солинадиган базанинг йигирма беш фоизидан кўп бўлмаган миқдорда беш йил мобайнида камайтиришга ҳақлидир. Мазкур солиқ имтиёзи янги технологик жиҳозлар ишга туширилган пайтдан эътиборан навбатдаги солиқ ҳисоботи даври учун қўлланилади. Янги технологик жиҳозлар олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил мобайнида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун ягона солиқ тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади»;

олтинчи — ўн биринчи қисмлари тегишлича **еттинчи — ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 19-модданинг **биринчи қисми:**

ўн саккизинчи хатбоши «ушбу қисмининг ўн

3

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг

Солиқ кодексига ва «Бож тарифи

тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунининг

33-моддасига ўзгариш ва

қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1,

2

учун мол-мулк солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Бож тарифи тўғрисида»ги 470-1-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; 2007 йил, № 7, 322-модда) 33-моддасига қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

биринчи қисм: **ўн тўққизинчи — йигирма бешинчи хатбоши-лари** қуйидаги мазмундаги **ўн тўққизинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланмаган рўйхат бўйича қуйидаги мақсадларда олиб қилиётган технологик жиҳозлар, шунингдек бутовчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик жиҳозларни етказиб бериш шартларида назарда тутилган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси номидан ёки унинг қафолати остида жалб этилган чет эл кредитлари ҳисобидан молиялаштирилмаган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун;

чет эл инвестициялари иштирокидаги қорхоналарнинг устав капиталига чет эллик инвесторлар томонидан улуш сифатида; янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, шунингдек ишлаб турган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун;

лизингга топшириш учун;

7



Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган банк хусусида мухтасар сўз куйидагича: АТ «Пахтабанк»нинг Бухоро вилояти бошқармаси 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, 13434 нафар миқозга хизмат кўрсатган. Бу кўрсаткич жорий йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, 14446 нафарни ташкил этади. Турли мулк шаклларидаги юридик ва жисмоний шахслар — миқозларнинг 4667 нафари кичик бизнес субъекти бўлса, 7608 нафари деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари. Бугунги кунда туманларда бошқарманинг 11 та филиали бор. Мавжуд 52 та мини-банк эса тизимда фаолият ҳажмини кенгайтириш учун кулай имкониятлар яратмоқда. Бу рақамлар бизга «Излаган имконият, изламаган баҳона қидиради», деган халқ мақолини эслатди. Хўш, бошқарма жамоасини излашишга даъват этган ва улларга куч-қувват бағишлаган омилардан нималардан иборат?



ОНА ЕР САХОВАТИ

фақат астойдил меҳнат қилган инсонларгагина насиб этади

— Бу, энг аввало, мустақилликнинг шарофатидир, — дейди бошқарма бошлиғи А. Азиев. — Истиқлол бизга эркин қанот ёзиб ишлаш имкониятини берди. Хукуматимиз томонидан биз, банкирларга яратилган шартот эса янада илҳомланиб ишлашга даъват этмоқда. Мухими, соҳамизда ҳуқуқий тизимнинг асоси яратилган. Айниқса, Президентимизнинг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдан тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарори ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йирик-нома» дастуриламал бўлмоқда.

Дарҳақиқат, вилоят бўйича ўтган йили ўнлаб янги турдаги турли жамғарма ва муддатли омонатлар жорий этилди. Туман бўлими эса аҳолига омонат ва унинг фойзаларини ўз вақтида бериб бормоқда. Натжиам? 2006 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, жами омонатлар қолдиги 7023 млн. сўм бўлса, 2007 йил 1 сентябрга келиб, бу кўрсаткич икки баробарга ўсди. Бугунги кунда вилоят банклари аҳоли бўш пул маблағларини 23 хилдаги омонат турлари бўйича жалб қилмоқда.

Вилоят бошқармасининг филиалларидаги савдо ва хизмат кўрсатиш шох-бўчагарига 165 та терминал ўрнатилган. Утган 8 ой давомида ушбу терминаллар орқали 2177,0 млн. сўм маблағ айланди, пластик картчаларнинг қолдиги 391,9 млн. сўмини ташкил этди. 2007 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, жами 50400 донга пластик картча тарқатилди.

«Х» деган туяга мадад, дейишди. Темирканот полагонлар учун ҳам тирак керак. Токи, улар самода эркин парвоз қилишлари учун кўмак ва назорат талаб этилади. Мамлакатимизнинг иқтисодий кудратини белгилаб берувчи кичик бизнес субъектлари учун ҳам бугунги кунда ана шундай мадад сув билан ҳаводай зарур. Шу боис, бошқарма ва унинг филиалларида бу соҳага ҳам жиддий эътибор билан қаралмоқда. Хусусан, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2006 йил давомида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2184,9 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич 2007

йилнинг 8 ойи давомида 2924,4 млн. сўмини ташкил этди. Қолаверса, ана шу кредитларнинг 75,5 фоизи узоқ ҳамда 24,5 фоизи қисқа муддатларга ажратилди. Мазкур кредитлар ҳисобига эса 1280 та янги иш ўрни яратилиб, 812,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Кичик бизнес субъектларининг имтиёзли кредитларга бўлган талабини қондиришда Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу қарор ижроси туфайли имтиёзли кредитлаш жамғармаси доимий равишда шакллантириб борилаётган. Жамғарма маблағлари ҳисобидан имтиёзли фойз ставкаларида берилган кредитларнинг қолдиги 2007 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, 991,7 млн. сўмини ташкил этган шундан далолат беради.

Бундан ташқари, бошқарма ўз миқдорларини имтиёзли фойз ставкаларида кредитлар билан таъминлаш мақсадида бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳам яқин олақда иш олиб бормоқда. Шунинг самараси ўлароқ, 2007 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан берилган имтиёзли кредитлар

нинг ҳажми 336 млн. сўмдан ортди. Маълумки, кичик бизнесни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга қўлмай, оила фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бир мисол, олдин оила даромади, асосан, иш ҳақидан таркиб топан бўлса, эндиликда бу манба тадбиркорлик ҳисобига бойи-моқда. Яъни, ҳар бир оила кичик бизнесга асосланган оилавий тадбиркорлик билан шугулланиши учун имкони-

Қарор ва ижро

ятлар яратилмоқда. Шунинг ҳисобига олиб, банк 38 та оилавий тадбиркорлик субъектига уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2007 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, 49,2 млн. сўм миқдорда микрокредитлар ажратди. Ёш оилаларга эса 178,9 млн. сўм микрокредит, 220,1 млн. сўм миқдорда истеъмол кредити берилди.

АТ «Пахтабанк»и Бухоро вилояти бошқармасининг «Банк жараянлари» бўлими Европа Тикланиш ва тараққий банк кредит линияси ҳисобидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ўзбекистон — Япония дастури доирасида ҳам кредитлар ажратмоқда. Утган йил давомида ЕТБ кредит линияси ҳисобидан 99 та кичик бизнес субъектига 665,3 млн. сўмлик кредит ва мик-

рокредит ажратилган бўлса, 2007 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, яна 368,0 млн. сўмлик 46 та лойиҳа молиялаштирилди. Шу тариқа прогноз кўрсаткичлари 188 фоизга бажарилди.

Истиқлол аёлларимизнинг қадр-қимматини янада оширгани барчага аён. Бугунги кунда хотин-қизларимиз мамлакат ишлаб чиқаришининг турли соҳаларида фаол иштирок этишмоқда. Айниқса, кичик бизнесни ривожлантиришда тадбиркор аёлларимизнинг ҳисобига бебеҳо. Бошқармада тадбиркор аёлларга мададор бўлиш масаласи ҳам ижобий ҳал этилган. Шу мақсадда жорий йилнинг 8 ойи давомида 335 нафар тадбиркор аёлга барча манбадан 535,1 млн. сўмлик кредит берилди. Бу режага нисбатан 146,4 млн. сўм кўпдир.

Умуман, АТ «Пахтабанк»ининг Бухоро вилояти бошқармаси бўйича ҳисобот даврида жами 46335,0 млн. сўмлик қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида ажратилган тижорат кредитлари миқдори эса 18767,0 млн. сўмга тенгдир. Шунингдек, фермер хўжалиқларига 2007 йил пахта ва галла ҳочилиғи етиштириш учун 27568,0 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ҳам берилди. Қолаверса, жамоа қишлоқ хўжалиқ хизмат кўрсатувчи «Агромушасервис», «Ўзпахтасаноат» уюшмалари ва кимё саноати тизимидаги жами 54



та корхонага кредитлар ажратиш ҳамда уларнинг дебиторлик ва кредиткорлик қарзларини камайтириш бўйича катта миқдорда факторинг хизматлари ҳам кўрсатди.

Вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг февраль ойида «Бухоро-Гилам» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонасининг Бухоро вилоятига инвестиция киритиш таклифи ҳам ўрганиб чиқилиб, маъқулланди. Бу таклиф эса Германия давлатидан «ALFA 360 mit Jaspard Mascine LX 2490» русумли замонавий гилам ишлаб чиқариш ускунасини олиб келиш, унинг ёрдамида янги иш ўринлари ташкил этиш асосида мамлакатимизда рақобатбардор гиламлар тайёрлашни йўлга қўйишни кўздан тутади. Янги технологиянинг қиймати икки миллион АҚШ долларига баҳоланмоқда.

Бугун Ўзбекистон далаларида пахта талар қийос очилди. Деярли барча вилоятларда йиғим-терим бошланиб кетди. Қолаверса, одамлар ризқ-рўзимиз яратувчилари хўзурга мададга шошилишмоқда. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 августдаги «2007 йил пахта хом ашёси ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишни таъминлашнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам эълон қилинди. АТ «Пахтабанк» ҳамда унинг вилоят бошқармалари ва туман филиалларида ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида тезкор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, пахта терими қатнашчиларига нақд пул маблағларини ўз вақтида етказиб бериш бўйича масъул банк ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Теримчилар ҳамда пахта хом ашёсини транспортда ташини ва тайёрлашда банд бўлган ишчи-ҳодимларга қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида марказий идорадан худудий бошқармаларга мута-садилар бириктирилди.

АТ «Пахтабанк»нинг Бухоро вилояти бошқармаси жамоаси ҳам жорий йилги мавсумга жиддий киришди. Бошқарма қолдида терим қатнашчиларини ўз вақтида нақд пул билан таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи ишламоқда. Ҳар бир фермер хўжалиқига банк мутахассислари бириктирилган.

Халқимизда «Тер тўқканга ер тўқадим», деган нақл бор. АТ «Пахтабанк»нинг Бухоро вилояти бошқармаси ахли Ватан тараққиёти, юрт равнақи, эл фаровонлиғи йўлида ҳар жиҳатдан тер тўқиб ишламоқда. Пахтакору чорвадор, ишчи тадбиркорга мададор бўлмоқда, уларнинг оғирини енгил, мушқулини осон қилмоқда. Эҳтимол, тер тўққан инсондан ер ўз савоатини аямайди, деганларни шудир...

Ш. Жўраев.

ЖАҲОН 24 соат ичида

АЭСда ёнгин

Япониянинг Ниигата префектурасида жойлашган «Касивадзакки-Карива» атом электр станциясида ёнгин содир бўлди.



Биринчи реактор томидаги кабель ёнаётганидан хабар топган ўт учирувчилар тезда ишга киришди ва ярим соатда ёнгини ўчирди. ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, «Касивадзакки-Карива» нафақат Японияда-


ги, балки жаҳондаги энг йирик АЭС ҳисобланади. У июль ойида содир бўлган кучли зилзила туфайли тўхтатиб қўйилган эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ёнғиндан сўнг атом муҳитга радиация тарқалиши кузатилмаган.

Ваколат узайтирилди

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Афғонистонда хавфсизликни таъминлашга кўмаклашувчи халқаро кучлар ваколатини яна бир йилга — 2008 йилнинг 13 октябрга узайтирди.

Кўпчилик овоз билан қабул қилинган ХК резолюциясида сўнгги пайтларда мамлакатда «Толибон», «Ал-Қоид» каби террорчи гуруҳлар жонланиб қолганидан хавотир билдирилган. Шунингдек, Афғонистонда наркотик моддалар етиштириш ва сотиш ҳам камаймаётгани таъкидланган.

Ливанда кучли портлаш



Байрут яқинидаги Хорш Табет шаҳарчасида кучли портлаш юз берди. «Интерфакс» тарқатган хабарда айтилишича, портлаш оқибатида 9 киши ҳалок бўлган, 20 нафардан кўпроқ одам турли даражада тан жароҳати олган. Курбонлар орасида мамлакат парламенти депутати Антуан Ганем ҳам бор.

Антуан Ганем сўнгги икки ярим йилда ҳалок бўлган саккизинчи сиёсий аъзо бўлди. 2005 йилнинг 14 февралда мамлакатнинг собиқ бош вазири Рафиқ Харири ўлдирилгандан сўнг шундай сиёсий терактлар кўпайиб бораётти.

Энг арзон нефть

Тўрт йиллик танлашдан сўнг Ироқ Иордания Киролига нефть экспорт қилишни бошлади.



Ироқ ҳукумати вакили Али ад-Дабахнинг қайд этишича, дастлабки пайтларда Иорданияга ҳар кун 10 миң баррелдан «қора олтин» етказиб берилади. Икки давлат ўртасида имзоланган шартномага асосан, бир баррель нефть баҳоси 4 доллар этиб белги-ланган. Нефтининг бунчалик арзон баҳоланишига сабаб, Иордания томони маҳсулотни манзилгача етказиб борадиган транспорт хавфсизлигини таъминлашни ўз бўйига олган.

Иордания Киролигининг нефтьга бўлган бир қўнлик эҳтиёжи 100 миң баррелни ташкил этади. Ироқ ҳукумати келгусида шунча нефтни экспорт қилишга тайёр эканлигини билдирди.

Кўриб чиқишни талаб қилди

Европарламентнинг ташқи сиёсат бўйича қўмитаси расми Яцек Сарнуш-Вольский кўхна китъа мамлакатлари раҳбарларидан энергетика сиёсатини қайта кўриб чиқишни талаб қилди.

Унинг таъкидлашича, Европа Иттифоқи ўзини Россиянинг энергетика тазйиқидан кутқариш йўллари-ни қидириш лозим. Handelsblat газетасининг ёзишича, польшалик сиёсатчи

Шимолий Европа газ кувурини қурлишига ҳам қарши чикмоқда. «Еврокомиссия бизни Microsoft монополиясидан кутқариш каби, энди «Газпром» монополиясидан кутқариш керак», дея интервью берган у.

Бойлик эгаларига қайтарилди



БМТ ва Жаҳон банки диктаторлар ҳамда айрим давлатлар раҳбарлари томонидан умарилган бойликларни эгаларига қайтаришга қарор қилди.

«Ведомости» муҳбири Норвегиянинг Коррупцияга қарши ресурс маркази маълумотларига таяниб ёзишича, биргина Африка мамлакатларида 148 миллиард долларгача маблағ ноқонуний йўл билан ўзлаштирилиб, бошқа давлатлар банкларига ўтказилган.

АҚШнинг Center for International Policy ташкилоти 2005 йилда 20 миллиарддан 40 миллиард долларгача маблағ коррупциячилар томонидан қўнуга хилоф равишда ўзлаштирилганини маълум қилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Российский линолеум

Обои виниловые

Форма оплаты — любая. Товар сертифицирован

тел. 134-48-11 факс 134-49-58

Газ уягури астеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар адиққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон худудидидаги расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортик.

Этказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТўГРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-ўй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари адиққатига!

НАВОЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда қурилиши ва капитал реконструкция қилиниши мўлжалланган қасб-хўна қоллежларига ва мактабларига пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

ОБЪЕКТ НОМИ, МАНЗИЛИ	КУВВАТИ
Қасб-хўна қоллежлари қурилиши	
1. Нурота тумани Темирқовуқ қишлоғида қишлоқ хўжалиғи йўналиши бўйича қасб-хўна қоллежи қурилиши (калоти билан)	360/100
2. Хатирчи тумани А.Навоий ш/ҳда тиббиёт йўналиши бўйича қасб-хўна қоллежи қурилиши (калоти билан)	540/100
3. Кармана тумани Уйрот қўрғонида саноат йўналиши бўйича қасб-хўна қоллежи қурилиши (калоти билан)	540
4. Учқудуқ шаҳрида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи йўналиши бўйича қасб-хўна қоллежи қурилиши (калоти билан)	360/200
Қурилишларни яқунлаш муддати — 2008 йил 1 август.	
Умумтаълим мактабларини капитал реконструкция қилиш	
1. Навбахор тумани 30-сонли мактаб, Олчин ҚФЙ	260
2. Қизилтепа тумани 10-сонли мактаб 9x18 м. ҳажмли спорт зали билан, Оқолтин ҚФЙ	240
3. Нурота тумани 13-сонли мактаб 9x18 м. ҳажмли спорт зали билан, Чуя ҚФЙ	240
4. Хатирчи тумани 18-сонли мактаб, М.Улугбек номли ф/у	480
5. Қонимех тумани 18-сонли мактаб ётоқхонаси ва 9x18 м. ҳажмли спорт зали билан, «Маданият» ш/х	96
6. Қонимех тумани 26-сонли мактаб 9x18 м. ҳажмли спорт зали билан, «Шўркўл» ш/х	180
Қурилишларни яқунлаш муддати — 2008 йил 1 июль.	

Буюртмачи: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-ўйда жойлашган Навоий вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Қурилиш ишларини молиялаштириш ажратилган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги бўш айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиғи, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўрнатиш объектида ишлаш тажрибасининг мавжудлиғи, ўз қуларни билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз қуларни билан бажарилган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-ўйда** жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (436) 225-53-85, 225-52-38.

Ҳужжатлар бир тўламининг (комплект) қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охири муддати — оферталар очилиш кунини ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

АТЛАС ҚИЙИҚЛИ МАРҒИЛОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Урф закирини яратиш қийин жараён. Яратилган занкирни узиш эса ундан-да мушкул. Марғилонлик қиз-ўғлонлар ёш қарига бирдек ширинсўз бўлиш, оилада отанинг иззатини жойига қўйиш, тежамкорликни турмуш қоидага айлантириб, исрофгарчиликдан ҳазар қилиш, касб-хунарни қадрлаш, ҳар бир ишда кўнгли, зеҳни, дидига таяниш, эл-юртни ўз уйи ва ўз хижрабандларидек эъозлаш янглиг тушунчаларни, биринчи галда, ана шундай ҳар ёқлама тахсил кўрган оналаридан ўрганиб келишаватган бўлса, ажабмас.

Дунёдаги қадимий шахарларнинг яралиш тарзи турлича келган. Утмишга тараққот ҳазор ташласак, бири-бирдан назоқ касоби хунармандларни, бири-бирдан омилиқор боғбону соҳибдорларни бағрига жо этган Марғилон ўз халқининг қўли билан, ўз фуқароларининг ҳалол маблағи эвазига қурилган тарихи ўта покиза шахардир. Зеро, касоби ва хунармандлар ўта тинчликсевар бўлишди, улар ўзга шахарларни эмас, ўзга бозорларни забт этишга тирлишиб яшайдилар. Бу тоифа эркин меҳнатни хуш кўради, ўзи истаган касб билан тирчилик қилишни ёқтиради. Бунга ким тўсқинлик қилса, бир қарашда тажовузорлик ҳисидан буткул беғонадек туюлувчи кимсалар ўз ҳуқуқ ва қадриятини жонбозларча ҳимоя эта оладиган мардонавор кўнга айланади. Бунинг далили-исботи узоқдан қидирмай, яқин ўтмишдаги воқеалардан бирини эслаб ўтиш кифоя. Эрксевар Туркистон заминидан чоризм истибодига қарши кўтарилган кўзғолонларнинг ўта асосий ўчоқларидан бири Жиззах, иккинчиси Тошкент бўлса, учинчиси Марғилондир.

Айниқса, сиёсий мафқурасига кўра, ҳусуий мулкчиликка тиш-тирноғи билан қарши бўлган қизил империя ҳуморонлиги давридаги зўравонликлар ба-

ридан ўтиб тушиб, яқса тартибдаги касаначиликнинг йўли гавҳис тўсиб қўйилди. Хунармандлар ўнлаб йиллар давомида бозорлардан қувғин қилинди, моллари тортиб олинди, ўзларига катта-катта жарималар солинди. Ҳатто, жинсий жавобгарликка тортишгача бориб етилди.

ривожлантириш учун бу соҳа вакилларида давлат томонидан улкан имтиёзлар яратиб берилди.

Бу тадбирлар ўз ижобий натижасини кўрсатиб, бутунлай йўқолиб кетиш арафасида турган кўпгина ноёб касб-хунарларга шу қисқа вақт ичида қайтадан ҳаёт ато этилди. Бири-биридан

га кун бермай қўйишган пайтларда ишдан кўнгиллари совиб, қўлни ювиб, қўлтиққа арлиб қўйгандилар. Мана, давр келиб, биз ота касбига қайтдик. Елкасига яна офтоб теккан Марғилон аҳли замонамизга доимо шукрона айтиб, Президентимизга дуода бўлиб келаяпти.

Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишда ҳам ерлик аҳлининг касб-кори, кўнж-маси ҳисобга олинган тарзда иш кўришмоқда. Бу эса сифатли, рақобат-боп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда асосий омил бўлмоқда. Шаҳарда таълим, тиббиёт, маданият, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш сингари соҳаларда юксалишлар шарҳга муҳтож эмас. Бу муассасаларга тааллуқли бири-бирдан кўракам иншоотларнинг сони кескин кўпайганини, ишда сифат кўрсатиш асосий мезонга айланиб-ганини оддий кўз билан ҳам кузатиш мумкин.

Марғилонликлар шахар ўз тарихидан юбилей арафасидаги нақил тез ободонлашганини ҳар даврда эътироф этишмоқда. Чиндан ҳам, шахарнинг қиёфаси кейинги йилларда тубдан ўзгариб, яқинда бир тароват касб этди. Бурҳониддин Марғиёнининг мажмуаси барпо этилгани, Пирисиддик мақбараси, Саид Аҳмад ашон мадрасаси, Увайсий уй-музейи каби тарихий обидалар асладан-да шинамрок қилиб таъмир-

лангани, ниятда кўримли қурилган маҳалла гузарлари, ёшлар маркази, ёлқ сув ҳавзаси, шифохоналар, коллеж ва лицей бинолари, меҳмонхонаю савдо дўконлари бу кўнжа заминнинг бир хуснига ўн ҳуси бўлиб қўшилди.

Қариялардан бири касибларга эркини қайтариб берган замонамизга таҳсинлар ёғдириш билан бирга, кичик бир армонини ҳам қистириб ўтди. Марғилондаги боғда илгарилари кураш сайиллари ўтказилиб, фарғонача курашнинг водий бўйида мулқат қилиблар айнан шу жойда аниқланар экан. Полвонлар пешоналарига атлас қийиқ боғлаб курашга тушишарди. Шаҳарда миллий кураш тўғрақлари ишлаб турибди, улардан етишиб чиқаётган полвонлар, ҳатто, халқаро мусобақаларда голиби бўлишмоқда. Майдон кўрган кексаларнинг истаги инобатга олиниб, шахар боғида водий полвонлари ўртасида йилгига, лоқал, бир марта кураш сайли ташкил этилиб турилса, бизнингча, айни муддао бўларди.



Марғилонликлар иродаси метин халқ эканлигини яна бир бор исботлаб, ўшандай оғир шароитда ҳам ўз касб-корларини фарзандларига, шогирдларига ўргатишдан тўхтамай, ёруғ кунлар келишини Тангридан астойдил тилаб меҳнат қилаверибди. Ният, орзиқиб қўтилган порлоқ кунлар келди. Юртимиз мустақилликка эришгач, касаначиликка нафақат кенг йўл очилди, балки халқ қадимий хунармандчилигини қайта оёққа тургазиш, жадал

нодир бўлган миллий касаначилик бўюмлари юртимиз бозорларини бошқадан беэаб, эндиликда жаҳон бозорларига ҳам чиқиб бормоқда.

— Бобомиз Элназар мискар бир маҳаллар Марғилонда ҳаммага таниқли бўлган эканлар, — дейди Саид Аҳмад ашон мадрасасидаги устaxonалардан бирида ишлаётган ёш мискар Бахтиёрбек. — Отамиз Маҳмуджон мискар ҳам ўз касбининг пири бўлишларига қарамай, бозорда хунармандлар

жавончилиқда 7 тадан 142 тага кўнайди. Йўрмалар маҳалласида тикилган марғилонча дўпгилар, Алишер Навоий номидаги маҳаллада қавилган беқасам тўлар, Узуқсўз маҳалласида беэаб берилган ранго-ранг кашталчилик моллари, Аҳмад Ясавий номидаги маҳаллада қоллидан чиққан миллий пойабзаллар, Урдатаги маҳалласида пиширилган қандолатчилик маҳсулотлари доврўчи янгиғдан дoston бўлиб, Марғилон яна ўзлигини тоқди.



СПОРТ

Ҳамюртларимиз муваффақияти

Беларусининг Брест шаҳрида ўсмирлар ўртасида I ЕвроОсиё спорт уйинлари бўлиб ўтмоқда.

Унда Россия, Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбойжон, Молдова, Украина ва Литвадан келган мингта яқин ўсмирлар спортнинг ўн тури бўйича куч синашмоқдалар.

Мусобақаларни Ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли бошлашди. Эркин кураш бўйича Шукрулла Дадажонов (32 кг.) дастлабки олтин медал эгаси бўлди. Жамшид Аҳмадов (59 кг.) эса кумуш медални қўлга киритди.

Найза улоқтириш баҳсларида Анастасия Сеченкова энг яхши кўрсаткичга эришиб, олтин медалга сазовор бўлди. Екатерина Воронинага кумуш медалга насиб этди. 1500 метр масофага югуриш мусобақасида Гулшайна Сатторова маррага иккинчи бўлиб етиб келди.

Ҳозирча спортчиларимиз ҳисобидан 2 та олтин ва 3 та кумуш медал бор. I ЕвроОсиё спорт уйинлари 24 сентябрь кўни яқунланади.

Дилшод ҳам Пекинга боради

Озарбойжонда эркин ва юан-рум кураши бўйича навбатдаги жаҳон чемпиони давом этаётти.



Кўни кеча эркин кураш бўйича 55 ҳамада 60 килограмм вазн тоифаларида голиб ва совриндорлар номи маълум бўлди. 55 килограмм вазнда икки қарра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров юртимиз шарафини ҳимоя қилди. У дастлабки олишувда япониялик Томохира Матсунари катта устунлик билан мағлуб этди. Сўнгра азалий рақиб — олдинги жаҳон чемпиони Филиалда куч синашган Болгария полвони Радослав Великов курагини ерга теғизди. Испаниялик Франсиско Санчесни ҳам осонлик билан енгди. Аммо кейинги учрашувда россиялик Бесик Кудуховга ютқазиб қўйди. Яқунда ҳамюртимиш туртинчи ўринни қўлга киритиб, терма жамоамиз захирасига иккинчи Олимпиадада йўлнамасини совға қилди.

Эслатиб ўтамиз, Дилшод илтироқ этган вазнда қирқ уч нафар полвон йўлнамалар учун баҳс юритди. 60 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан вакилимиз Ихтиёр Наврўзов биринчи олишувдаёқ мусобақаларни тарк этди.

Халқаро турнир бошланади

Бугун Украинанинг Евпатория шаҳрида миллий спортимиш — кураш бўйича йиллик халқаро турнир бошланади.

Мусобақада ўндан ортик мамлакатлар полвонлари иштирок этмоқда. Уч кун давом этадиган баҳсларда аркалар 81, 90 ва мулқат, ўсмирлар 55, 60, +60 кг, аёллар эса фақат мулқат вазн тоифасида гиламга чиқадилар.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАМКОРБАНК
АКЦИЯДОРЛИК - ТИЖОРАТ БАНКИ

барча юртдошларимизни
Муқаддас Рамазон ойи билан
самимий муборакбод этади ҳамда сизлар чун
«Барқарор» ва «Ҳаммабоб»
омонатларини таклиф қилади.

«**БАРҚАРОР**» омонатининг сақланиш мuddати — **3 ой**, йиллик — **24%**.
Омонат фоизлари омонатчига ҳар ойда тўлаб борилади.

«**ҲАММАБОП**» омонатининг сақланиш мuddати — **6 ой**, йиллик — **21%**.
Омонатчи ўз фоизлари ва омонатини истаган вақтда тўлиқ ҳолда қайтариб олиши мумкин.
Бунда омонатчи томонидан аввал олинган омонат фоизларининг қайтарилиши талаб қилинмайди.

«Хамкорбанк» — сизнинг ишончли ҳамкорингиз!

Drive your way

Тел.: 215-89-89,
215-83-38. Кафолат — 2 йил. Маҳсулот сертификатланган.

HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«Давр Ишонч Саховати» МЧЖ

Андижон вилояти хўжалик судининг 2007 йил 15 мартдаги 17-06-05-13748-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкротлиги эътироф этилган, Жалақудук тумани Заврак қишлоғида жойлашган «**ZAURAK-MILL**» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасини тугатиш бошқарувчиси билан биргаликда 2007 йил 2 октябрь кўни соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкий мажмуа қўйилмоқда:

Жалақудук тумани Заврак қишлоғида жойлашган «**ZAURAK-MILL**» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси комплекс мажмуа сифатида барча мол-мулклари билан биргаликда бошланғич баҳоси — 1 млрд. 210 млн. 801 минг сўм.

Сотувга қўйилган ушбу мулк сотилмаган тақдирда жорий йилнинг 9, 16, 23, 30 октябрь кунлари соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига мазкур кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам қўйиб борилади.

Аризалар эълон чиққан кўндан бошлаб Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармаси биноси, 2-қават, 201-хонада қабул қилинади. Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик ва жисмоний шахслар мулк бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизи микдоридан закалат пулини «Давр Ишонч Саховати» МЧЖнинг ҳ/р 20208000904601198001, ИНН 3003856605, МФО 00069 «Асака» банки Андижон бўлимига тўлашлари шарт.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нухаси, юридик шахслар таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун закалат пули тўрғисидаги келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар учун «Давр Ишонч Саховати» МЧЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 30-уй, Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармаси биноси, 2-қават, 201-хона.
Телефон: (8-374) 224-54-50.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 20 сентябрда чоп этилган эълони бўйича Тошкент вилояти фуқаролари 26 сентябрь кўни қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратощ кўчаси, 44-уй. Мўлжал — «Хадра» майдони.

Алтай радио телефон тизимидан фойдаланаётган абонентлар диққатига!

2007 йил 1 октябрдан 1 ойга абонент тўлови учун ажратилган вақт 150 минут қилиб белгиланади.

Берилган эълон абонентлар билан тузилган шартномага илова сифатида қабул қилинади.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН
Телефон: 149-65-67.

<p>Сервер</p> <p>PY ECO200S2A XEON DP 5050 2 x 250G 2X 1GB ECC DVD-RW DL</p> <p>Манзил: Тошкент ш., Лисунов к., 2-уй. Тел.: 194-60-60. Факс: 120-74-93. www.nuron.uz</p> <p>Маҳсулот сертификатланган.</p>	<p>LCD Мониторлар</p> <p>SCENICVIEW A17-2 SCENICVIEW E19-6</p> <p>Кафолат — 3 йил</p>	<p>Ноутбуқлар</p> <p>FUJITSU SIEMENS COMPUTERS Баҳоси — 1 250 000 сўм ва ундан юқори.</p> <p>Кафолат — 2 йил</p>
<p>MANZILIMIZ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — Ю. Бўронов. Мусахҳих — Х. Тошқўжаев.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси маъсул ходим Мирмуҳсин Олимович Акбаровга онаси</p> <p>Одинахон ая МҶМИНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси маъсул директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хурсаной Муҳтуддинова ҚОРИ-ЕҚУБОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.</p>

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жамшед Тоғиев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 22.50 1 3 4 5 6